Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 22 октябрь, № 205 (5120) Жума


# ОЙДИН МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР



Бунёдкорлик

***Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудида бўлманг, улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳига айланасиз. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизга кўрк бағишлаётган муҳташам иншоотлар, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар, равон кўчалару замонавий йўллар турмушимиз тобора фаровонлашиб бораётганидан далолат беради.***



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

“Ғузор — Бухоро — Нукус — Қўнғирот — Бейнов” халқаро йўли ана шундай йирик қурилиш иншоотларидан бири. Мазкур замонавий йўлни бунёд этишда Шимоли-ғарбий халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси Қўнғирот филиали йўлсозларининг муносиб улуши бор. Корхона қурувчилари халқаро аҳамиятдаги ушбу йўлнинг 866 — 876-километри оралиғидаги қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Натижада йўл қисқа муддатда сифатли ва замон андозалари асосида барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

— Ушбу халқаро йўлнинг бизга топширилган қисмида 17 миллиард сўмликдан зиёд иш бажарилди, — дейди корхона филиали муҳандиси Мақсет Шаменов. — Йўл узунасига махсус бетон тўсиқлар билан таъминланган бўлиб, у халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради. Қурилиш ишларига 7 та автогрейдер, 2 та бульдозер, 2 та экскаватор, 2 та юкловчи, битта асфальт ётқизувчи, 6 та текисловчи техника ва 45 та юк ташувчи машиналар, шунингдек, 200 нафардан зиёд йўлсозлар жалб этилгани зиммамиздаги вазифани ўз вақтида адо этишимизда асқотди. Эндиликда ушбу йўл элларни элларга, дилларни дилларга боғлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** корхона машинисти Ғайрат Ғойипов ва машинист-уста Жумабой Мадраимов иш устида.

***Бугунги кунда юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодий юксалишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бунга дунё бўйлаб кузатилаётган инқироз оқибатлари кўплаб тараққий этган давлатлар иқтисодиётини ҳам танг аҳволга солиб қўйган мураккаб бир шароитда яққол гувоҳ бўлдик.***

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Ислоҳот

Зотан, ушбу вазиятда республикамизнинг барча соҳаларида ўсиш суръатлари нафақат барқарор сақланди, балки юқори натижалар қўлга киритилди. Табиийки, бундай муваффақиятлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури, қолаверса, соҳага доир фармон ва қарорларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани самарасидир.

Албатта, бундай иқтисодий юксалишни таъминлашда ишлаб чиқариш корхоналарининг улуши салмоқли. Шу боис кейинги йилларда янги саноат корхоналарини ташкил этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида иқтисодий ночор, паст рентабелли корхоналар молиявий соғломлаштирилаётгани ҳам эътиборга молик. Жумладан, Хоразм вилоятида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда 2010 — 2012 йилларда иқтисодий ночор, паст рентабелли ва камқувватли корхоналар фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш бўйича молиявий соғломлаштириш республика дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур дастур бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмасдан, иқтисодий ночор аҳволга келиб қолган корхоналарда ишлаб чиқаришни изга солиш, йўқотилган иш ўринларини қайта тиклаш, янгиларини ташкил этиш ва шу орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини бермоқда. Бу борада аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 34 фоиз ўсишга эришилди.

Шунингдек, фаолияти тўхтаган ишлаб чиқариш қувватлари негизида янгидан 13 та корхона ва хизмат кўрсатиш субъекти ташкил этилиб, уларнинг аксарияти замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Урганч шаҳридаги пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Darital shoes” масъулияти чекланган жамияти қайта иш бошлаган ана шундай корхоналардан бири. Ҳозир бу ерда 90 нафар ишчи томонидан эркаклар ва болалар учун 100 дан ортиқ турдаги оёқ кийимлари тайёрланмоқда. Муҳими, ушбу маҳсулотларнинг бари табиий чармдан тикилаётир. Бу эса, ўз навбатида, корхона маҳсулотларига бўлган талабни ошираяпти. Йил бошидан буён 200 миллион сўмликдан зиёд тайёр оёқ кийимлари истеъмолчиларга етказиб берилгани шундан далолат беради. Талаб ва таклифни пухта ўрганган корхона жамоаси келгусида аёллар учун ҳам пойабзал ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Иқтисодий ночор корхоналар аҳволини ўнглашда жалб этилаётган инвестиция ҳамда тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамиятга эга. Шу боис вилоят бўйича йил бошидан буён 10,9 миллиард сўм ва 1747 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, тижорат банклари томонидан банкрот деб топилган жами 19 та корхона негизида 11 янги корхона ташкил этилди. Бу тадбирларнинг амалий самарасини мазкур корхоналар томонидан 10,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ва хизматлар кўрсатилгани ҳамда 1136 та янги иш ўрни яратилганида яққол кўриш мумкин.

Вилоятда иқтисодий ночорликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Гап шундаки, жорий йилнинг бошида вилоятдаги 224 та корхонанинг молиявий фаолияти жойида ўрганилиб, камқувватларда ишлаётган ва фаолият

(Давоми 2-бетда).

***Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир. Бу устувор вазифа барча соҳалар қатори, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — саноат корхоналари мутасаддилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.***

# МЕҲНАТИ УЙДА, РАҒБАТИ КОРХОНАДА

Фармон ва ижро

Негаки, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни уй меҳнатига жалб этиш каби хайрли ишлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ана шу эзгу мақсадлар ижроси назарда тутилган.

Жумладан, ушбу Фармон асосида Жиззах вилоятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилда вилоят бўйича саноат корхоналарида касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш ҳисобига 3006 та касаначилик иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида йиллик режа тўлиқ бажарилди. Хусусан, йирик саноат корхоналарида 497 та, бошқа йирик корхоналарда 797 та ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарида 1712 та касаначилик иш ўрни яратилди. Натижада ушбу фаолият тури билан шуғулланувчилар томонидан 195 миллион 591 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Кўриниб турибдики, касаначиликни ривожлантиришда кичик саноат корхоналарининг улуши салмоқли бўлмоқда. Эътиборли жиҳати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш борасидаги имтиёзлар янги иш ўринларининг яратилишида муҳим омилдир. Айниқса, уй шароитида ишлаш имконияти мавжуд бўлган хотин-қизларни ишга жалб этиш уларга қўшимча даромад топиш имконини туғдирмоқда. Буни яхши англаган тадбиркорлар ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришаяпти. Пахтакор туманидаги “Санъат ишбилармонлари” хусусий корхонаси раҳбари Ҳамида Мустафоқулова ана шундай тадбиркорлардан бири.

— Ўзим тикувчиман, — дейди Ҳамида опа. — Кўпдан бери тикувчилик корхонаси очишни ният қилиб юрардим. Ҳунаримни фарзандлар тарбияси

(Давоми 2-бетда).

# ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

***Президентимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида биз, фермерларни ўз касбининг устаси ва фидойиси, азми қатъий деҳқон сифатида таърифлаб, самимий муборакбод этганлари, гапнинг очиғи, қалбимизни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.***

Дил сўзи

Чиндан ҳам, мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритган бугунги кунда шундай марраға эришишга ўз ҳиссасини қўшган ҳар бир киши эъзоз ва эътиборга лойиқдир. Жумладан, жорий йилда фермер хўжалигимиз аҳли 60 гектар майдонда ғўзанинг “Бухоро-6” навини парваришлаб, гектар ҳисобига 45 центнердан саноатбоп хом ашё йиғиштириб олди. Давлатга топширилган 202 тонна ҳосил биринчи навга қабул қилинди. Натижада ҳисоб рақамимизга 43 миллион сўм соф фойда тушишини айтсам, деҳқонларимизнинг манфаатдорлиги янада ошиши, хўжалигимиз техника парки бойиши, қишлоғимиз эса бугунгидан-да обод бўлиши ойдинлашади.

Ҳосилдорликнинг бу қадар сезиларли даражада ошгани, албатта, давлатимиз томонидан биз, фермерларга барча шарт-шароит яратиб берилгани самарасидир. Жамоамизда 8 та трактор, 7 та тележка ишлаган бўлса, барини кейинги саккиз йил ичида лизингга сотиб олганимиз шундан далолат беради.

Юртбошимиз табригида бу йилги мавсумда шартномавий мажбуриятларни қисқа муддатларда ортиғи билан адо этган вилоятлар ва туманлар қаторида бизнинг Навоий вилоятимиз, Навбаҳор туманимиз ва хўжалигимиз номлари ҳам тилга олинганидан, айниқса, мамнунмиз. Бундай эъзоз ва эътиборга жавобан республикамиз иқтисодиётини янада юксалтириш, халқимиз ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаверамиз.

**Ёри АҲМЕДОВ,**
**Навбаҳор туманидаги «Муслим Мадаминов» фермер хўжалиги раҳбари.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



## Инвестиция берган имконият

***НАМАНГАН. Хорижлик сармоядорлар томонидан киритилган 265,6 минг АҚШ долларилик сармоя иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган “Норин текс” акциядорлик жамияти фаолиятини тубдан яхшилашга асос бўлди.***

Айни пайтда 105 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 120 тонна сифатли калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, “Норин текс” маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилинаяпти. Хусусан, ўтган тўрт ой мобайнида чет эллик ҳамкорларга бир миллион 40 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берилди.

Айтиш керакки, вилоятда молиявий соғломлаштириш дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 28 та корхонага 731,6 минг АҚШ доллари ва 13,6 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилинди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ишлаб чиқариш ҳажми ортди

***СИРДАРЁ. Гулистондаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Робия Савдо сервис” хусусий корхонаси банкдан олинган 25 миллион 200 минг сўмлик кредит ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтирди.***

Ушбу маблағ эвазига хориждан замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробарга ортиб, қўшимча 8 та янги иш ўрни яратилди.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида шаҳардаги кичик бизнес субъектлари томонидан 15 миллиард 240 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Куз неъматлари – эл дастурхонига

***УРГАНЧ туманининг Ғайбу қишлоғида ташкил этилган “Ўзбегим-Хоразм” агрофирмасида бир мавсумда 10 минг тоннагача мева-сабзавотни қайта ишлаш имконияти яратилди.***

Бунинг учун "Асака" банки томонидан ажратилган 4,5 миллиард сўмлик кредит қўл келди. 36 киши иш билан таъминланган корхонада қисқа фурсатда ички бозорга минг тоннага яқин тайёр маҳсулот чиқарилди. Шунингдек, ҳозир бу ерда бежирим идишларга қадоқланган томат қайласи, ўрик мураббоси ва олма қиёмларини экспортга чиқариш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 759,4 минг тонна мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштирилди. Шундан 17,2 минг тоннаси қайта ишланди.

**О. ЖУМАНИЁЗОВ.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Намунавий лойиҳа асосида

***Жорий йилда ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИнинг қишлоқ ҳудудларида 7830,3 квадрат метр ҳажмдаги тураржойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Хусусан, Қибрай туманидаги Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида 145 та замонавий уй қуриб битказилди. Эътиборлиси шундаки, тумандаги "Салобат", "Карвон йўли", "Эльдорадо" сингари бир қатор қурилиш ташкилотлари "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси вилоят бўлими билан ҳамкорликда барча бунёдкорлик ишларини қисқа муддатда якунлашга муваффақ бўлди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ.**

# МЕҲНАТИ УЙДА, РАҒБАТИ КОРХОНАДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

билан банд, уйдан узоқлашмаган ҳолда ишлаш имкониятига эга аёлларга ўргатишга қарор қилдим. Қолаверса, касаначилик билан шуғулланувчи хотин-қизларга меҳнат дафтарчаси очилиши ва уларнинг фаолияти давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши беқиёс имкониятлар яратмоқда.

— Тақдир тақозоси билан яқин қариндошларимнинг 8 нафар фарзандини қарамоғимга олишимга тўғри келди, — дейди корхона иш юритувчиси Дилмурод Азимов. — Ўзимнинг фарзандларим билан қарамоғимиздаги вояга етмаганлар сони 12 нафарга етди. Бундай пайтда юқори даромадли иш топишга эҳтиёж ортар экан. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек, турмуш ўртоғим билан фикримиз бир жойдан чиқиб, 2010 йилга мўлжалланган манзилли дастурга асосан, лойиҳа қиймати 20 миллион сўмга тенг бўлган корхона ташкил этдик.

Эр-хотин тадбиркорларнинг қатъий қарори ва саъй-ҳаракати билан корхонанинг ишга тушиши ҳисобига 14 киши иш билан таъминланди. Уларнинг 11 нафари касаначидир. Ҳозир корхонада тумандаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаган 5 нафар қиз фаолият кўрсатаётган бўлса, яна 6 нафар хотин-қизга уйда ишлаб, даромад топиши учун шароитлар яратиб берилган. Жамоа аъзолари тайёрлаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон бўлгани боис уларнинг харидорлари кўпайиб бормоқда. Пировардида қисқа фурсатда 20 га яқин ташкилот ва муассасалар билан доимий шартномалар имзоланишига эришилди. Уюшқоқлик билан қилинган меҳнат туфайли қисқа муддатда 30 миллион сўмликдан ортиқ кийим-бош, спорт кийимлари, кўрпа-тўшак, зардўзлик буюмлари каби ўнлаб турдаги маҳсулотлар буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилди. Шунингдек, талаб асосида маҳаллий бозорга ва якка буюртмачиларга ҳам сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Кўпнинг олқишини олиб, меҳнатидан роҳат топа бошлаган Дилмурод ака фаолиятини янада кенгайтириш йўлларини излади. Галдаги вазифа — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турини кўпайтириш, деган қатъий хулосага келди. Эзгу ният, хайрли мақсад янги-янги марралар сари йўл очар экан. Сартарошхона ташкил этиб, яна 2 кишини иш билан таъминлади. Яқинда Самарқанд шаҳрида ҳунармандлар иштирокида ўтказилган анжуманда қатнашиб, зардўзлик, қуроқчилик, каштачилик каби миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома тузди ва тумандаги Пангат қишлоғида истиқомат қилувчи 28 нафар аёлни касаначиликка жалб этди. Вилоят савдо-саноат палатаси орқали россиялик ишбилармонлар билан танишиб, кўрпа-тўшак ва унинг жилдларини ишлаб чиқариш бўйича музокаралар олиб борди.

— Ўз меҳнати самарасини кўриш инсонга куч-қувват бағишлар экан, — дейди Дилмурод ака. — Ортопедик касаллик ҳисобланган яссиоёқлик кўпчиликда учрайди. Унинг энг зарарсиз ва самарали давоси махсус пойабзал кийишдир. Энг муҳими, бундай турдаги оёқ кийимини тайёрлаш учун маҳаллий хом ашё ва пластмасса чиқиндиларидан фойдаланиш мумкин. Шу фикр хаёлимга келди-ю, лойиҳа тайёрлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига юбордим. Ҳозирча экспертларнинг хулосаси ижобий. Агарда ушбу лойиҳам амалиётга татбиқ этилса, ишлаб чиқариш турини кенгайтириб, яна 7 нафар кишини иш билан таъминлаш имконияти туғилади.

Дарҳақиқат, вилоятда эл-юрт тараққиёти, фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Эътиборлиси, уларнинг ҳар бир эзгу ташаббуси давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаяпти, хайрли ишлари муносиб рағбатлантирилаяпти. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг янада равнақ топишига кенг йўл очаётир.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** Дўстлик туманида жойлашган “Севинч” тикув цехи бошлиғи Гулнора Абдураимова шогирди Латофат Гулмуродова билан.

**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

***“Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамияти — нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги йирик кимё корхоналаридан бири. Ушбу корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани бугун ўз самарасини бермоқда.***

Бунда, табиийки, Президентимизнинг “2007 — 2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги қарори муҳим дастурил-амал вазифасини ўтамоқда.

Жамият аҳли каустик содани “кимёвий моддаларнинг хамиртуруши”, деб аташади. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотларга каустик сода ҳам қўшилади. Ана шу муҳим хом ашё яқин вақтларгача мамлакатимизга, хусусан, мазкур корхонага ҳам, асосан, хориждан келтириларди. Жорий йилда бу аралашмани тайёрлайдиган кичик корхона ишга туширилди. У йилига 5 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг натижасида ҳар йили бирлашмада 3 миллион АҚШ доллари тежаб қолинади.

## Модернизация

Шунингдек, корхонада қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган суюқ ҳолдаги карбамид-аммиак-селитра ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулотнинг бошқа воситалардан табиий зарарсизлиги, яъни ҳавога буғланиб чиқадиган аммиакнинг камлиги, энг муҳими, уни пластмасса идишларда истеъмолчиларга етказиб бериш имконияти борлиги фермерлар ва боғбонларга маъқул келмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши ишлатиладиган дефолиантларга ҳам талаб ортиб бораяпти. Шунинг учун экологик жиҳатдан анча зарарсиз бўлган бу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган цехни реконструкция қилиш, замонавий технологияларни жорий этишга киришилди. Ҳозирги кунда унинг қуввати икки бараварга ортди: эндиликда йилига 100 минг тонна дефолиант ишлаб чиқариш мумкин. Франциядан келтирилган дастгоҳлар фақат автоматлаштирилган усулда бошқарилади. Бу эса, ўз навбатида, қувватлар самарадорлигини ошириб, маҳсулот сифатини дунё андозаларига етказибгина қолмай, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш борасида ишлаб чиқилган дастур доирасида маҳсулот таннархини 16-18 фоизга камайтириш имконини ҳам берди.

Шу билан бирга, Голландиянинг “Станикарбон” фирмаси технологияси асосида жамиятнинг карбамид тайёрлаш цехи ҳам тўлиқ модернизация қилинди. Ҳозир бу цехда уч баравар кўп, яъни 330 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Унинг асосий қисми эса хорижга юборилмоқда.

Корхонани модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнида ишлаб чиқаришда энергияни тежайдиган экологик хавфсиз, серунум технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилгани нур устига аъло нур бўлди. Унинг экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари бугун жаҳон бозорида бемалол рақобатлашаётгани ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир, албатта.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Яхши хабарлар

***Балиқчи туманидаги Чинобод шаҳарчасида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Сарбон ҳамкор ривожи” корхонаси иш бошлади.***

### Чинободнинг хуштаъм маҳсулотлари

Натижада 93 миллион сўмлик илғор технологиялар билан жиҳозланган кичик корхонада 14 та янги иш ўрни яратилиб, қисқа муддатда истеъмолчиларга 18 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда 125 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 2960 тага етди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Экспорт салоҳияти ошмоқда

***Булунғур туманидаги “Булунғурнинг меваси” корхонаси жорий йил бошидан буён қарийб 209 минг АҚШ долларилик маҳсулотини экспорт қилди.***

Уларнинг асосий қисмини қуритилган полиз ва сабзавот маҳсулотлари ташкил этди. Айни пайтда корхонада фермер ва жисмоний шахслардан қабул қилинган 1300 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиб, бежирим идишларга қадоқланмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида тумандаги саноат корхоналари томонидан 2 миллион 223,5 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга чиқарилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қишлоқ аҳли учун тўйхона

***Деҳқонобод туманидаги Қорашина қўрғони аҳолиси замонавий қулайликдан баҳраманд бўлди. Бу ерда тадбиркор Зарҳол Ҳамроева ташаббуси билан турли маросимларни ўтказишга мўлжалланган муҳташам мажмуа ишга туширилди.***

Замонавий қурилиш ва меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган ушбу масканда 150 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари олиб борилди.

Айни пайтда туманда тўртта шундай мажмуа аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ.**

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

***Вобкент туманидаги “Нафосат” масъулияти чекланган жамиятида жорий йилнинг сентябрь ойига келиб, ишчилар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки маротабага кўпайиб, йигирма икки нафарга етди. Маиший хизмат соҳасига ихтисослаштирилган мазкур жамиятнинг ўз касаначилари ҳам бор.***

— Дастлаб аҳолининг қайси хизмат турларига эҳтиёж сезаётганини ўрганиб чиқдик, — дейди жамият раҳбари Ўроз Холов. — Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари билан маслаҳатлашдик. Натижада 12 нафар касаначи учун иш ўрни яратдик. Касаначиларимиз меҳнатини ҳам ҳисобга олганда, айни пайтда аҳолига ўндан зиёд турда маиший хизмат кўрсатаяпмиз. Тегирмончи, пайвандловчи, тикувчи сингари касаначиларимиз ишидан, айниқса, буюртмачилар мамнун.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқларда сервис ва маиший хизмат кўрсатишнинг оқилона йўлга қўйилаётгани аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётир. Буни Қоракўл туманидаги Истиқлол маҳалласи мисолида яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, илгари ушбу маҳалла ҳудудида наридан-бери қурилган икки-уч дўконни айтмаса, бошқа савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари йўқ, одамлар суратга тушиш учун ҳам туман марказига боришга мажбур эдилар. Кейинги йилларда бу ерда аҳвол тубдан ўзгарди. Бири-бирида кўркам уй-жойлар қад ростлаб, кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Гўзаллик салони, суратхона, сартарошхона, “Бўстон” кичик корхонасининг тикув цехи, савдо дўконларию бозор шулар жумласидандир.

## Жараён

— Маҳалламиз, чиндан ҳам, шаҳарча қиёфасини олди, — дейди шу ерда истиқомат қилувчи отахонлардан бири Каромат Расулов. — Кўчага чиқиб, баҳридилим очилади. Бу, албатта, давлатимиз томонидан биз, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилаётган эътибор самарасидир.

Аҳамиятлиси, кексалар ҳам хайрли юмушлардан четда қолишмаяпти. Дейлик, Каромат аканинг ўзи маҳаллада “Оталар чойхонаси”ни қуриб, ишга туширди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида очилган бу кўркам маскан бир вақтнинг ўзида 50 кишига хизмат кўрсатади. Бу ерда ўн нафар киши иш билан банд.

“Интилганга толе ёр” деганлари шу эмасми?

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсатмаётган корхоналар дастурга киритилди. Молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг юритилаётгани бу каби ишларнинг самарадорлигини оширмоқда. Пировардида 33 та корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 50 фоиздан ортишига эришилди. Хусусан, “Истиқбол”, “Урганч ИКМК”, “Хоразм гиламлари”, “Хонқа чевар” сингари корхоналар жамоалари шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикамиз умумтараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодий ночор корхоналар аҳволини ўнглаш йўлида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар Хоразм вилоятида ҳам ижобий самара бераётир.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ТАМАГИРНИНГ ТАНОБИ ТОРТИЛДИ

***Юқори мансаб ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунинг учун ирода, уддабуронлик, тажриба ва ташкилотчилик қобилияти талаб қилинади. Лекин ишонч билдиришга асос бўлган бу хислатлар, бир кун келиб, нафс балоси қаршисида ожизлик қилса, элу юрт олдида инсоннинг юзи шувут бўлиб қолиши ҳеч гап эмас экан.***

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг шу йил июль ойида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида қора курсидан икки киши жой олганди. Улар, айниқса, бир кам эллик ёшдаги салобатли киши вилоятда кўпчиликка таниш. Ахир у одам шу пайтгача... ким-сан, шаҳар ҳокими эди-да.

...Термиз шаҳрининг ат-Термизий шоҳкўчасидаги “Қишлоқ қурилиш банк” ва Ахборот-ресурс марказининг маъмурий бинолари олди гавжум жойлиги сабабли, 2009 йил 10 ноябрь, соат 14:20 ларда бу ерда бўлиб ўтган воқеаларга анча киши шоҳид бўлди. Ҳокимиятнинг умумий бўлим мудири пора олаётган пайтида ушланганлиги ҳақидаги хабар тезда шаҳарга тарқалди.

Тамагирлик жиноятини фош этиш тадбирини ўтказишга Термиз шаҳрида якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаро Махсатулла Каримовнинг Миллий хавфсизлик хизмати Сурхондарё вилояти бошқармасига берган аризаси ва унга асосан ўтказилган текширувлар натижаси сабаб бўлди. Аризада шаҳар ҳокимлиги бўлим мудири Шерзод Қодиржонов ундан ўғли А. Каримовнинг номига Термиз шаҳар бозори ёнидан 0,01 га ер майдони ажратиш ҳақидаги ҳужжатларини расмийлаштириб, ҳокимнинг қарорини чиқартириб бериш эвазига пора тариқасида 5 миллион сўм талаб қилаётганлиги баён этилиб, қонуний чора кўриш сўралганди.

Республика Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ равишда вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда оператив-тергов гуруҳи тузилди ва олинган маълумотлар тегишлича текширувдан ўтказилди. Пора талаб қилиш ҳолатлари белгиланган тартибда аудиотасмага ёзиб олинди. Тамагирлар пулни олиш кунини белгилаганидан сўнг, холислар иштирокида пулларга махсус кукун билан ишлов берилди. Ш. Қодиржоновни қўлга олиш жараёни ҳам видеотасмага ёзиб ҳужжатлаштирилди. Унинг хизмат хонасидаги иш столининг қутисидан шаҳар ҳокимининг ўн дона имзоланган қарори топилди. Кейинчалик буларнинг ҳаммаси жиноят ишига ашёвий далил сифатида илова қилинди.

Қодиржоновнинг хизмат хонасидан топилган қарорлар орасида “Фуқаро Каримов Абдужаббор Махсатуллаевичга шаҳарнинг Ю. Ражабий кўчаси ёқасида жойлашган 18-рақамли икки қаватли тураржой биносининг ёнидан савдо ва ёрдамчи хўжалик иморатлари қуриш учун ер майдони ажратиш” тўғрисида рақамланган бланкага имзо қўйилган, аммо имзо санаси қайд этилмаган қарор ҳам бор эди.

4 ноябрда имзоланган ва 1388-тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “Шаҳарнинг Алишер Навоий кўчаси ёқасида жойлашган ҳарбийлар шаҳарчаси ҳудудидан фуқаро Нурматов Акбар Очиловичга офис ва тураржой биноси қуришга ер майдони ажратиш” тўғрисидаги бошқа қарор эса, тамагирлик жиноятининг иккинчи эпизодига ашёвий далил бўлиб хизмат қилди.

Фуқаро Акбар Нурматовнинг тергов идорасига ёзган аризасига кўра, ундан ҳам илтимосномаси ижобий ҳал қилиниши учун уч миллион сўм пул пора тариқасида талаб қилинган бўлиб, бунча миқдорда пули йўқлиги учун қарорни ололмай юрган экан.

Тергов давомида тамагирлик жиноятининг бошида Термиз шаҳар ҳокими Қорахон Турсунов турганлиги аниқланди. У тамагирликнинг ўзига хос усулини ўйлаб топган экан. Масалан, бирор илтимосчидан икки-уч миллион “ундирмоқчи” бўлса, ишини ижобий ҳал этиш учун шаҳарда спортни ри-

## Жиноятга жазо муқаррар

вожлантириш, иккиламчи металл ашёлари тўплаш ёки яна бошқа бир соҳаларни баҳона қилиб, беш миллион сўм ажратиш зарурлигини айтади. Шундан сўнг деярли икки баробар кам пул билан қутулиши мумкинлигини эшитган ариза эгаси осонгина рози бўлади, ҳатто, иши камроқ пулга битганидан қувонади.

Аслида эса, Жиноят кодекси тили билан айтганда, юқоридаги аризалар бўйича қарор чиқариш “мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган ҳаракат” сирасига кирарди. Хусусан, М. Каримов ҳокимиятга тақдим қилган ҳужжатларини салкам икки ой елиб-югуриб, Термиз шаҳар архитектураси, давлат санитария-эпидемиология назорати, ёнғин хавфсизлиги, табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари, “Иссиқлик манбаи” ИЧБ, Сурхондарё электр тармоқлари корхонаси, “Сувоқова”, “Термизгазтаъминот”, шаҳар коммунал хизмат бошқармаси, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри каби 12 та ташкилотнинг қабулидан ўтиб тўплаган бўлиб, қонуний жиҳатдан эътироз йўқ эди. Акбар Нурматовнинг ҳужжатлари ҳақида ҳам шу гапларни таъкидлаш мумкин.

Маълум бўлишича, айбланувчи Шерзод Қодиржонов ўзининг бевосита бошлиғи бўлган шаҳар ҳокими Қорахон Турсуновнинг талаби билан жиноятга қўл урган экан. Бунга гувоҳларнинг кўрсатмалари, қайд этилган телефон сўзлашувлари, Қ. Турсуновнинг М. Каримов берадиган уч миллион сўмдан чегириб қолиши мумкинлигини айтиб, Қодиржоновга янги “Нокия” русумли қўл телефони сотиб олдиргани (қўл телефони ва паспорти ҳокимнинг хонасини кўздан кечиришда олинган, қутиси ва сотувчининг кафолат хати Қодиржоновнинг хонасидан олинган ҳамда жиноят ишига далил сифатида қўшилган), бир минг АҚШ доллари шошилинч зарурлигини айтиб, А. Нурматовдан талаб қилинган пулларни сўраганда, Қодиржонов А. Нурматов билан ёшликдан танишлиги сабабли, ҳоким сўраган миқдорда чет эл валютасини ўз опасининг жамғармасидан олиб келиб берганлиги ва бошқа ҳолатлар далил бўлди.

Ундан ташқари, Қ. Турсунов 2003 йил 1 апрелдан 2008 йил июнь ойига қадар Қумқўрғон туманидаги “Сурхон комбинати” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келган даврда содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортилмай қолган қонунбузарликларнинг тўрт эпизоди жиноят ишига қўшилди. Хусусан, у 2004 йил 1 январдан 2007 йил 30 августга қадар жами 4 миллион 349 минг 200 сўмлик товар-моддий бойликлар билан улгуржи савдо қилиб, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиб келганликда; жами 5 миллион 200 минг 166 сўм пулни жамиятнинг банкдаги ҳисобрақамига топширмасдан, бошқа мақсадларга сарфлаб юбориб, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини қасддан бузиш жиноятини содир этганликда; жамият билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловларни маҳсулот айирбошлаш йўли билан амалга ошириб, 198 миллион 041 минг сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириб олишнинг қонуний чораларини кўрмай, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликда ҳам айбланди.

Қ. Турсуновнинг айбини исботлаш учун етарли далиллар тўплангач, тергов идорасининг мурожаати асосида Қ. Турсуновга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинди ва халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг сессиясига киритилди. Қ. Турсунов 2010 йил 23 мартдан айбланувчи сифатида қамоққа олинди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди Ш. Қодиржонов ва Қ. Турсуновларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини атрофлича ўрганиб, ҳукм чиқарди. Шерзод Қодиржонов Жиноят кодексининг 212-моддаси 2-қисмининг “а” банди бўйича айбли деб топилди. Унга нисбатан икки йил моддий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоиз миқдори давлат даромади ҳисобига ундирилган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Қорахон Турсунов Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 205-моддаси 2-қисмининг “а” ва “в” бандлари, 189-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 207-моддасининг 1-қисми, 210-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди. Унга нисбатан икки йил моддий жавобгарлик юклатилган ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 11 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. 2010 йил 10 августда жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ҳукмни ўзгаришсиз қолдирди.

Мақолада жиноят ишининг кўп тафсилотларига тўхталмадик. Қайси даражада бўлмасин, мансабдор шахс ўз ваколати доирасида давлат ва жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, уларни амалга ошириши учун лавозимга тайинланган. Қонунга кўра муайян қарор қабул қилиши лозим бўлган мансабдор сунъий тўсиқлар яратиб, фуқарони пора беришга ундайдиган бўлса, бундайларга жамиятимизда ўрин йўқ. Мақсадимиз жиноятга жазо муқаррарлигини, фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун етарли қонуний негиз мавжудлигини яна бир бор таъкидлаш эди, холос.

**Ш. ЖУМАЕВ.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 727,5 ▲ +0,3 | УН биринчи нав 524,3 ▼ -3,7 | УН иккинчи нав 466,6 ▲ +0,1 | ПАХТА ЁҒИ 1739,4 ▲ +37,5 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 192,0 ▲ +0,2 |
|---|---|---|---|---|---|

**Истиқлолнинг бебаҳо неъматлари ҳақида гап кетганда, аввало, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар, мамлакатимизни буткул ўзгартириб юборган оламшумул бунёдкорликларни тилга оламиз. Давлатимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган яна бир улуғвор, хайрли ва эзгу ғоя борки, унинг самараси, шону шарафи бугунги кунда келажагимиз эгалари — ёшлар ва баркамол авлод тақдирида ёрқин намоён бўлмоқда.**

# ЗАКОВАТ, ШИЖОАТ, БАРКАМОЛЛИК

## Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Бу Президентимиз ғоялари ва ташаббуслари асосида республикамизда таълим тизимининг мутлақо янгиланганидир. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасида ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш тизимига асос бўлди. Ушбу Қонун ва Миллий дастур нафақат узлуксиз таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга, балки ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳам бу борада давр билан ҳамнафас қадам ташламоқда. Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг учинчи босқичида таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланиши, таълим тизимининг яхлит ахборот макони вужудга келтирилиши кўзда тутилган. Жумладан, университет ахборот маркази фондида жами 2 млн. 726 мингдан зиёд ўқув адабиётлари бўлиб, шулардан 1 млн. 125 мингтаси дарслик ва ўқув қўлланмаларидир. Айни пайтда талабаларимиз юз фоиз ўқув адабиётлари билан таъминланган. Билим даргоҳимизда интернетга уланган 317 та компьютер бевосита таълим жараёнига, 1380 та электрон ресурс замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар учун хизмат қилаётир. Сўнгги беш йил ичида профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 35 та дарслик, 37 та ўқув қўлланма, 400 дан ортиқ электрон дарслик, 168 та мультимедиа дарслик, 2000 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма ва услубий қўлланмаларнинг электрон вариантлари тайёрланди.

Умуман олганда, Самарқанд давлат университетига жаҳондаги минглаб ўқув юртларига баҳо бергандай қараб бўлмайди. Аслида бу табаррук илм даргоҳининг илдизлари Мирзо Улуғбек даврига бориб тақалади. Соҳибқироннинг севимли набираси ўрта асрларда жаҳолатни тафаккур машъаласи билан ёқиб, мадрасаи олияни қуриб, унда ҳандаса, илми нужум, тригонометрия, география, кимё ва бошқа фанлар ўқитилишини йўлга қўйганлиги ва бу мадраса таъсирида кейинчалик Европада кўплаб университетлар таъсис этилиб, Уйғониш даврини бошлаб берганлиги ҳаммага маълум. Шундай экан, биз Улуғбек академиясининг ворисларимиз, дейишга тўлиқ ҳақлимиз. Ворисийлик эса, ўз навбатида, улкан масъулият ҳамдир. Воқеан, ўтган асрнинг бошларида иш бошлаган университет олимлари ботинан ўзларини Улуғбекнинг шогирдларидай ҳис этиб, мамлакатимизда 15 дан ортиқ донгдор илмий мактабларга асос солдилар. Бу мактаблар Истиқлол қуёшидан баҳра олиб, янада гуркуради, ривожланди. Айниқса, ўзбек адабиётшунослиги, тилшунослиги, шунингдек, археология, физика, математика мактаблари тарихи Ватанга муҳаббат, садоқатнинг ўзига хос тарихидир.

XXI аср — юксак интеллектуал ёшлар ҳамда ноёб технологиялар асри. Чунончи профессор Мусо Мўминовнинг Ядро ва космик нурлар физикаси илмий мактаби Истиқлолимиз туфайли мураккаб илмий изланишларни олиб боришга муваффақ бўлмоқда. Мазкур ядро физикаси лабораторияси Марказий Осиёда ягона “Микротрон-22С”, “Импульс 3М” электр тезлатгичлар, ион манбалари, фотоядро реакцияларини ўрганувчи экспериментал қурилма, гамма-спектометр ва замонавий компьютерларга эга. Лабораторияда тадқиқот олиб бораётганларнинг аксарияти ёшлар. Улар Ўзбекистонимизнинг эртанги куни,

### Таълим

умиди. Бинобарин, университетимизнинг илмий салоҳиятида ёшларимизнинг ўрни беқиёс. Ҳар йили ёш олимларимиз иштирокида давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида 20 дан ортиқ фундаментал, амалий ва инновацион ҳамда чет эл грантлари асосидаги илмий лойиҳалар бажарилмоқда.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг бир неча йиллар муқаддам “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”, деган пурмаъно сўзлари ёшларимиз қалбида ўчмас из қолдирди. Уларни юксак довонларни забт этишга илҳомлантирди, ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшди. Қолаверса, ушбу ҳароратбахш сўзларда ёшларга бўлган давлат миқёсидаги устувор эътибор, ғамхўрлик, камарбасталик мужассам. Баркамол авлод йилида уларга янада кенг миқёсдаги шарт-шароитлар, имкониятлар яратилиб берилмоқда.

Қувонарлиси, ёшларимиз ҳам бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан ўз истеъдодларини янада чархлаб, билим ва тажрибаларини мукаммаллаштириб бормоқда. Мисол тариқасида айтсак, университетимизда ўнлаб Президент стипендиатлари, халқаро ва республика танловлари ғолиблари бор. Ҳар йили ҳимоя қилинаётган номзодлик ишларининг 90 фоизи 35 ёшга тўлмаганлар томонидан ҳимоя қилинади. Зотан, интеллектуал мулкни шакллантириш, энг фойдали ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш, таъбир жоиз бўлса, илмий кашфиётларни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш, жамиятда инновацион янгиланишлар жараёнини жадаллаштириш замон талабидир. Кейинги икки йилда илм даргоҳимизда 504 та жорий этилган, 272 та жорий этишга тайёрланган ва 1500 дан ортиқ чоп этилган ишланмалар тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилди. Олимларимиз томонидан сўнгги 3 йил мобайнида 20 дан ортиқ илмий ишланма ва муаллифлик гувоҳномалари расмийлаштирилди. 50 дан ортиқ ишланмалар халқ хўжалигига, илмий тадқиқотларнинг 100 дан кўпроғи ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Эътиборли жиҳати, яқинда “Иқтидорли талабалар ва ёш олимлар маркази”ни ташкил қилдик. Мақсадимиз илмий изланишлар кўламини кенгайтириш, бу борада тобора юксак натижаларга эришиш. Инчунин, айни пайтда талабалар, ёш олимлар фойдаланиши мумкин бўлган лойиҳалар, грантлар, танловлар ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар хусусида ахборотлар билан таъминлайдиган веб-портални яратишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида ёшларни баркамол шахслар этиб тайёрлашда намуна кўрсатаётган, тарбиявий ишларни олиб боришда юқори натижаларга эришаётган профессор-ўқитувчилар кўмагида ўқишда ва жамоат ишларида фаол бўлган талабалар учун “Йилнинг энг яхши педагоги”, “Йилнинг энг яхши илмий раҳбари”, “Йилнинг энг яхши мураббийси”,“Йилнинг энг яхши талабаси”, “Йилнинг энг яхши илмий жамоаси”, “Йилнинг энг яхши илмий асари” номинациялари бўйича танлов ўтказилди. Танлов ғолиблари анъанавий конференция йиғилишининг якуний мажлисида мукофотлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Албатта, ёшларимизнинг баркамол ва етук, соғлом ва салоҳиятли бўлиб камол топишлари учун ҳам руҳий, ҳам жисмоний тарбиянинг аҳамияти катта. Чунки бугунги глобаллашув, турли-туман ахборот хуружлари авж олган жараёнда қалби миллий истиқлол ғоялари, буюк аждодларимиз ўгит ва ҳикматлари, ўзбекона одоб-ахлоқ билан безанган ёшларимиз жисмонан соғлом, барваста, кучли бўлсалар, нур устига нур. Қолаверса, ана шундай ҳар томонлама етук инсонларгина келгусида буюк ишларга қодир бўладилар. Шу боис бу йўналишда университетимизда изчил чора-тадбирлар белгиланган. Уларнинг ижроси, аввало, таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Яқинда талабаларимиз “Университет ҳудудини алкоголь ва тамаки маҳсулотларидан холи жойга айлантирайлик”, “Биз — университет талабалари наркомания, ичкиликбозлик ва чекишга қаршимиз” шиорлари остида ташаббус билан чиқишди. Ҳаракат давомида вилоят ички ишлар бошқармаси наркотрафик ва наркотик моддаларни ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўлими ходимлари, вилоят наркология диспансери шифокорлари билан ҳамкорликда туркум тадбирлар ўтказилди. Муҳими, бу ишга чин юракдан, катта иштиёқ ва ғайрат билан киришилди. Ана шу жараёнда ёшларимизнинг ватанпарварлиги билан бир қаторда инсонпарварлиги, маънавий камолоти бўй кўрсатди.

Мухтасар айтганда, Мустақиллик йилларида таълим тизимида рўй берган янгиланишлар мамлакатимизнинг интеллектуал бойлигини кўпайтирди, ёшларимиз генетикасида бекилиб қолган Ибн Сино, Беруний, Ал-Фарғоний, Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчидан мерос аждодий булоқларнинг кўзини очди. Айниқса, яқинда Президентимиз ташаббуси билан мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳондаги салоҳиятига монанд янгидан барпо қилинган Мирзо Улуғбек расадхона мажмуасида талаба-ёшлар жуда катта фахр-ифтихор туюшди. Зеро, ҳар қандай ер ости ва ер усти бойликлари кун келиб тугаши муқаррар. Фақат инсон заковатигина битмас-туганмас хазинадир. Юртбошимиз бизни заковат йўлига бошлади. Келажагимизнинг ҳал қилувчи кучи — ёшларимизга илму урфон, тафаккур қасрларини қуриб берди. Бизнинг вазифамиз эса ана шу бебаҳо кошоналарда буюк Ватанимизнинг азиз фарзандларига таълим-тарбия бериш, уларни кўз қорачиғимиздек асраб, етук ва баркамол, мард ҳамда жасур, юртга муҳаббатли қилиб тарбиялашдан иборат.

**Т. ШИРИНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги**
**Самарқанд давлат университети ректори.**

### Танлов

***Хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.***

# Ўзбекистонлик ёш олима — ЮНЕСКО/Л`ОРЕАЛ стипендияси ғолиби

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларимизга эътибор қаратиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, яқинда Италияда табиий фанлар соҳасида ёш олима аёллар учун ўтказилган ЮНЕСКО/Л`ОРЕАЛ — 2011 йил стипендияси танловида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий ходими, ёш олима Нилуфар Мамадалиева танлов ғолибаси, деб топилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Туша (Италия) университетининг маълумотига кўра, Н. Мамадалиева 2011 йилда “Ўзбек халқ табобатида қўлланиладиган “Lamiaceae” оиласига мансуб доривор ўсимликларнинг фаол моддалари ва уларни цитотоксик активликларини инвитро тадқиқ этиш” мавзуига оид илмий тадқиқот ишини олиб боради.

Шу кунгача ёш олималаримиздан Тошкент давлат аграр университети илмий ходими Дилфуза Эгамбердиева (2006 йил) ва Биоорганик кимё институти кичик илмий ходими Барно Султонова (2007 йил) мазкур нуфузли илмий грантга сазовор бўлишган эди.

**«Жаҳон» АА.**


«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи дирекцияси

электр ёритиш чироқлари ва саноат кондиционерлари учун ҳаво фильтрлари билан таъминловчиларни ҳамкорликка таклиф этади.

*Керакли маълумотлар «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи дирекциясида берилади.*

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 232-86-61, 232-86-63. Факс: (8-371) 233-13-28.

1007R/1261


## ОБ-ҲАВО

(22 октябрь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража илиқ (айрим жойларда 1-3 даража совуқ), кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ (баъзи ҳудудларда 1-3 даража атрофида совуқ), кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 0-5 даража илиқ (айрим туманларда 1-3 даража совуқ), кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7 даража илиқ, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 0-5 даража илиқ (баъзи жойларда 0-5 даража совуқ), кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 1 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида, кундузи 11-13 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**




ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

466R/586








СП ООО «AZIYA BELAZSERVIS»

оказывает услуги по техническому обслуживанию и ремонту автосамосвалов БЕЛАЗ, КРАЗ, МАЗ, КАМАЗ.



*Форма оплаты — безналичный расчет.*

Тел.: (+99893) 555-00-56, (+99897) 440-08-22, (+99871) 244-16-02.

951R/1148



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.



УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ



UAZ Hunter



UAZ Patriot Limited

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

*Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!*



Юк ташувчи УАЗ-3303.



Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.



Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.



*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимлари учун компьютер қурилмаларини харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер таклифлари — эълон чоп этилган кундан бошлаб 2010 йил 22 ноябрь соат 18.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-78-24, 252-30-36. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.


| ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 171,7 ▼ -0,1 | ЦЕМЕНТ (шпц400 д80) 162,5 ▼ -3,8 | АРМАТУРА 1320,0 ▼ -976,0 | ШИФЕР (1 лист) 15249 ▲ +75 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 |
| --- | --- | --- | --- | --- |

Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.15 Топширилди — 21.15 1 2 3 4 5